



CHANGE IN THE SOCIAL IMAGE OF UZBEK KISHLAK IN THE 20s OF THE XX CENTURY

Irgash Jumabayev ¹

¹ Master student of History of Uzbekistan Andijan State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4717245>

ARTICLE INFO

Received: 19th April 2021

Accepted: 21st April 2021

Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

national policy, "cultural revolution", rural population, illiteracy, education, schools, new economic policy, cooperation, Islam.

ABSTRACT

The article analyzes the socio-political changes that took place in Uzbek villages by the Soviet regime in the 1920s. The main changes in the social appearance of Uzbek villages are shown.

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ҚИШЛОҚЛАРИ ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Иргаш Жумабаев ¹

¹ АДУ Ўзбекистон тарихи мутахассислиги магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021

Ma'qullandi: 17-aprel 2021

Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

миллий сиёсат, "маданий инқилоб", қишлоқ аҳолиси, саводсизлик, маориф, мактаблар, янги иқтисодий сиёсат, кооперация, ислом дини.

ANNOTATSIYA

Мақолада XX асрнинг 20-йилларида совет ҳокимияти томонидан ўзбек қишлоқларида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таҳлил этилган. Ўзбек қишлоқлари ижтимоий қиёфасида юз берган асосий ўзгаришлар кўрсатиб берилган.

XX асрнинг 20-йилларида Совет ҳокимияти томонидан миллий республикаларда, хусусан, Ўзбекистон ССРда амалга оширилган "маданий инқилоб" сиёсати ўзбек қишлоқлари

ижтимоий қиёфаси ва аҳоли турмуш тарзига жиддий ўзгаришлар киритди.

Кўриб ўтиладиган даврда совет ҳокимияти томонидан маҳаллий аҳолининг оилавий-маиший ва ижтимоий муносабатларда ислом динининг роли ва



аҳамиятини инобатга олмаслик ва эътибордан четда қолдириш туб маҳаллий мусулмон аҳолиси ўртасида жиддий норозиликларга олиб келди. Янги ҳокимиятнинг динга нисбатан кескин хатти-ҳаркатлари, хусусан, диний муассасалар моддий асосларининг йўқ қилиниши, масжид ва мадрасаларнинг ёпилиши, диний уламо ва руҳонийларнинг қамокқа олиниши, шунингдек, мусулмон аҳолиси орасида янгича турмуш тарзларининг жадаллик билан татбиқ этилиши бу ҳокимиятга қарши салбий ҳистуйғуларнинг кучайишига сабаб бўлди.

Айни пайтда бу йилларда замон руҳи ва эҳтиёжларига мос келадиган илғор тенденцияларнинг ҳам ўзбек қишлоғида турли қаршиликларсиз ўз ўрнини топганлиги, унинг маънавий қиёфасига янгича кўриниш берганлигини кўриш мумкин. Бунда аввало, катта иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммога айланган деҳқонлар оммаси орасида саводсизликни тугатиш тадбирларини таъкидлаб ўтиш лозим. Дарҳақиқат, расмий маълумотларга кўра, 1920 йилларда ҳар минг қишлоқ аҳолисига атиги 200 нафар саводли одам тўғри келган, бошқача айтганда қишлоқ жойларда саводлилик даражаси 20% бўлган [1. 147]. Тан олиш керакки, бу ҳол қишлоқдаги кенг қамровли ўзгаришларга жиддий тўсиқ эди. Янги иқтисодий сиёсат шароитида қишлоқларда саводсизликни тугатиш учун ялпи курашнинг кенг fronti жадал ривожланди.

Мавжуд маълумотлардан кўриниб турибдики, фақат 1924-1927 йиллар давомида Ўзбекистонда таълим муассасалари сони 447 тадан 1324 тага кўпайган. Улардан 839 таси ёки 68% и қишлоқ жойларида барпо этилган. Мазкур мактаблардаги ўқувчилар сони 30 мингтадан 36,9 минг кишига ўсди. Бу

микдорнинг 20617 нафари (55,8%) қишлоқларга тўғри келган [2. 49].

Ўзбек қишлоқларида саводсизлик ва қуйи саводлиликни тугатиш учун олиб борилган кенг қамровли тадбирлар қишлоқларни маданий жиҳатдан ўзгартириш йўлидаги биринчи қадам эди. Энг асосийси, халқ таълими тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, бутун мактаб тизимининг тубдан қайта ташкил этилишига олиб келди. Мактаб тизимини ислоҳ этишда кенг халқ оммасининг иштироки ва айни пайтда давлат томонидан берилган моддий ёрдам Ўзбекистонда мактаблар тармоғининг сезиларли даражада кенгайишига олиб келди. 1924-1925 йилларда республикада мактаблар сони 831 та бўлиб, уларда ўқиётган ўқувчилар сони 54800 нафар бўлган. 1927-1928 йилларда мактаблар сони 1548 тага кўпайиб, уларда ўқиётган ўқувчилар сони 83963 нафарга етди. Мазкур йилларда қишлоқ мактабларининг ўзи 1268 та бўлиб, уларда 48945 нафар ўқувчи таҳсил олган [3. 84].

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, масалага объективлик нуқтаи назаридан баҳо бериш бу йиллардаги мактаб таълими соҳасидаги камчиликларни ҳам эслатиб ўтишни тақазо этади. Бу ерда жадаллаштирилган “европалаштириш”, синфий ёнлашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлдики, қишлоқ хўжалиги ишчилари, батрақлар ва камбағаллар фарзандлари учун қатор имтиёз ва афзалликлар яратилдики, бундай имконият қишлоқнинг нисбатан бадавлат гуруҳлари ва руҳонийлар қатламлари фарзандларига берилмас эди.

XX асрнинг 20-йилларида ва айниқса унинг иккинчи ярмида қишлоқларда янги зиёлилар қатламини шакллантириш катта аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқлар учун зарур мутахассис-кадрлар



тайёрлаш учун институтлар ва педагогик техникумлар ташкил этилди.

Бироқ, қилинган саъй-ҳаракатларга қарамай, қишлоқ зиёлиларининг сони ва мутахассислик турлари ўта чекланган бўлиб қолди. Қишлоққа юз минглаб ўқитувчилар, агрономлар, ветеринария шифокорлари, чорвачилик бўйича мутахассислар ва тиббиёт ходимлари керак эди. Шунга қарамай, қишлоқларга кириб келган чекланган миқдордаги мутахассисларнинг ўзи ҳам қишлоқлар ижтимоий қиёфасини ўзгартиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ зиёлиларининг аксарият қисмини тарғибот ва ташвиқот кадрлари, фаол сиёсий маърузачилар ташкил этган эди. Улар турли тарғибот-ташвиқот пунктлари, саводсизликни тугатиш муассасаларини ташкил қилдилар, мактаблар, қизил чойхоналар, кутубхоналар яратишда қатнашдилар ва турли маданий тадбирларни ўтказдилар.

Умуман, қишлоқ зиёлиларининг шаклланиши қишлоқларда советча “маданий инқилоб”ни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири, ўзбек қишлоқлари маданий тараққиётининг объекти ва предмети бўлган.

Шундай қилиб, XX асрнинг 30-йиллари бошларида чуқур ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатқашларининг маданий даражасини маълум даражада кўтарилишига эришилди. Бироқ, бу маданий жараёнлар аниқ оқибатлар билан кўзга ташланувчи ўта зиддиятли характерга эга эдики, бу асосан тоталитар тизимнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишининг натижаси эди.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон дехқонларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги республика ҳаётида муҳим омил бўлди. Бироқ, ижтимоий фаоллик кўп

ҳолларда чекланган характерга эга бўлиб, жамиятда ўрнатилган сиёсий ва мафкуравий муносабатлар тизими томонидан белгиланган андозалар бўйича тор доирада намоён бўлган. Партия оммавий-ғоявий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ер-сув ислоҳотининг мафкуравий асосларини таъминлашга катта эътибор берилди, хусусан, партия кўмиталари қошида сиёсий ер комиссиялари ташкил этилди.

Қишлоқнинг камбағал қатламлари – ерсиз ва кам ерли дехқонлар, мардикорлар, чорикорлар, қишлоқ хунармандлари ва бошқалар аъзо бўлган “Қўшчи” Иттифоқи уюшмалари муҳим ташкилий тузилмага айланди, бу қишлоқда кооперация ҳаракатининг ривожланишига ҳисса қўшган қишлоқ камбағалларининг иқтисодий ҳаётида жамоавий кўникмаларни ривожлантирган ихтиёрий ижтимоий-профессионал ва ижтимоий-иқтисодий ташкилот эди. 1925 охирида “Қўшчи” аъзолари сони 180 минг кишини ташкил этди. Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштиришни тайёрлашда қишлоқ советларида мавжуд колхозларда уюшган қишлоқ камбағаллари муҳим ижтимоий куч сифатида намоён бўлди [4. 178].

Дехқонларнинг қишлоқ советлари фаолиятидаги иштироки қишлоқдаги ижтимоий фаоллик ўсишининг муҳим кўрсаткичи бўлди. Бунга партиянинг қишлоқларда Советларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш сиёсати катта аҳамиятга эга бўлди, бу Советларда қишлоқларнинг энг камбағал қатламлари хал қилувчи рол ўйнаши керак эди. Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг аёллар қисмини ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар партия ва совет органларининг қишлоқ меҳнатқашларининг ижтимоий-сиёсий



фаоллигини ошириш борасидаги сиёсатининг ўзига хос хусусияти бўлди. Бу ўз навбатида қишлоқ Советларидаги аёл депутатлари сонининг ошишига таъсир кўрсатди, уларнинг сони 1925 йилда 6,4% бўлган бўлса, 1926 йилда 12.8% гача кўтарилди [5. 47].

Шундай қилиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий-маданий ўзгаришларнинг динамикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, 1924-1929 йиллар давомида деҳқонларнинг моддий ва маданий аҳолида ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини намён этиш соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Деҳқонларнинг кенг оммаси орасида ер-сув ислохотининг натижаси ўлароқ ерсиз камбағал деҳқонлар қатламининг қисқариши билан бирга ўртаҳол деҳқонлар салмоғининг ошиб бориши тенденцияси кузатилди. Айни пайтда, деҳқончилик ишлаб чиқариш даражаси ошди. Қишлоқ аҳолисининг маънавий кифоаси сезиларли даражада ўзгарди, маданий-маърифий муассасалар ва ижтимоий эҳтиёжлар майдони кенгайиб борди. Деҳқонларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди [6. 97-98].

Шу билан бирга, бу даврда қишлоқларда кескин ўзгариш ва оғишлар ҳам юз бериб, бу жараён кучайиб бордики, бу партия ва совет ҳукуматининг қишлоқлардаги сиёсатида нотўғри ҳисоб-китоблар ва жиддий хатоларга йўл қўйилганидан далолат эди.

Умуман, Янги иқтисодий сиёсат бутун мамлакатни, жумладан, Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистон учун тўғри тараққиёт йўлини белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эга эга бўлиб, истиқболни белгилашда янги иқтисодий сиёсат амал

қилган ўтган асрнинг 20-йилларидаги зиддиятли тенденцияларни чуқур ва ҳар томонлама танқидий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги иқтисодий сиёсат тарихий тараққиётни жадаллаштириш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий имкониятларни кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Бироқ, аксарият олий партия раҳбариятининг ортодоксал фикрлашга бўлган садоқати, жамиятда синфий курашни авж олдиришга бўлган кучли иштиёқ янги иқтисодий сиёсатнинг бой имконияти ва салоҳиятини чеклаб қўйди, 20-йилларнинг охирига келиб эса бу сиёсатга тамоман барҳам берилди.

1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохоти қишлоқда иқтисодий муносабатлар тизимини қайта қуриш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий тузилмасини ўзгартириш борасида ўзига хос тажриба бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ер-сув ислохоти қишлоқдаги ижтимоий қатламларни бараварлаштириш шиори остида ўтказилди, унинг бутун имкониятлари ўзига тўқ, бақувват деҳқон хўжаликларини йўқ қилишга йўналтирилди [7. 96].

Ер-сув ислохотининг жиддий камчилиги ва салбий натижаларидан бири – мусодара қилинган энг яхши, унумдор ерларда маъмурий усуллар билан колхозлар ташкил этилиши бўлди, шунингдек, аграр муаммоларни ҳал этишда чуқур ўйламай амалга оширилган хато тадбирлар, нотўғри ҳисоб-китоблар ўзбек қишлоғи сиёсий ҳаётининг бекарорлаштиришга хизмат қилди.

Янги иқтисодий сиёсат шароитида кооперация ғоялари чекланган шаклда бўлса-да, қишлоқларда ҳам амалга оширила бошлади. Тадқиқ этилаётган даврда қишлоқ хўжалиги кооперацияси пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик,



мелиорация каби ҳамкорликлардан иборат эди. Кредит ва матлубот кооперацияси кенг кулоч ёйди, давлат ва кооперация ўртасидаги муносабатларнинг етакчи шакли сифатида маҳсулот контрактацияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги кооперацияси асосан хомашё тайёрлаш ва етказиб бериш хусусиятида бўлган. Кооперация ривожланишининг ижобий томонлари қаторида кооператив ташкилотлар товар айланмаси ҳажмининг жадал ўсишини, улар томонидан етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жадал кўпайиб борганини санаб ўтиш мумкин.

Янги иқтисодий сиёсат ўзбек деҳқонлари моддий фаровонлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди, бироқ бу жараёнга қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати тўсқинлик қилди.

Кўриб ўтилаётган даврда ўзбек қишлоқларининг маданий-маънавий

қиёфасини ўзгартириш жараёни мураккаб ва зиддиятли тарзда намоён бўлди. Совет давлати томонидан қишлоқдаги маданий қурилишларга ажратилаётган маблағлар йил сайин ошиб борди. Ўзбек қишлоқларида саводсизликни тугатиш ишлари кенг кўламда йўлга қўйилди, халқ маорифи моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Шу билан бирга, маданий ўзгартиришларнинг синфий йўналиши қишлоқ меҳнаткашларининг соғлом маданий ривожланиш имкониятларини чеклаб қўйди, ўзбек халқининг кўпгина илғор тарихий анъаналарига тўсқинлик қилди. Ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо берганда, сиёсий ҳаётда ошкораликнинг йўқлиги, коммунистик мафқуранинг яққа ҳукмронлиги, юзага келаётган маъмурий буйруқбозлик бошқарув тизими ривожланишни тўхтатувчи жиддий омил бўлди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. Учинчи том. Бош муҳарир И.М. Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), 94-фонд, 5-рўйхат, 22-иш.
3. Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937 гг.) – Ташкент: Госиздат УзССР, 1960.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ. 2000.
5. ЎзР МДА, 245-фонд, 1-рўйхат, 224-иш.
6. Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти. – Ташкент: Фан, 1984.
7. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Ташкент: 1992.